



Баходир Мусаметов

Алфраганус университети

Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитвчиси,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

e-mail: bahodir.musametov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14288571>

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲАЁТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Ўрта асрларда Туркистон минтақасида жамиятнинг муҳим кучини ташкил этувчи шаҳар аҳолиси давлат бошқаруви тизимида иштирок этишдан деярли маҳрум эдилар. Айнан мана шундай шароитда айниқса фақиҳлар шаҳар аҳолисининг ёрдамига таянган ҳолда жамиятнинг қудратли сиёсий кучига айландилар. Ушбу мақолада фақиҳларнинг ва умуман олганда интеллектуал ҳаёт вакиллариининг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Туркистон, фақиҳлар, ҳанафийлик, ижтимоий ҳаёт, садрлар.

Туркистон ва Африканинг йирик тарихий-маданий минтақаларида ислом динининг тарқалиши натижасида минтақавий мусулмон жамиятлари шакллана бошлади. Қадимги цивилизациялар мусулмон жамиятининг маънавий ҳаётига қўшилиб, бу динга ўзларининг диний-ахлоқий ғоялари, ҳуқуқий нормалари, урф-одатлари, маданий анъаналарини олиб кирди. Бу даврда ислом дунёсининг турли

қатламлари бир вақтнинг ўзида ёки бир хил даражада исломга мослашди, деб айта олмаймиз. Натижада бу улкан цивилизациянинг турли қисмларида ислом ўз мавжудлигининг бир минтақавий шаклини бошқасидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Ислом дини томонидан маҳаллий халқлар урф-одатлари ва ҳуқуқий нормаларини ўзининг бир парчасига айлантириш жараёни жуда катта обрў ва таъсир кучига эга маҳаллий дин олимлари гуруҳларининг пайдо бўлиши ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда маҳаллий диний марказларнинг шаклланиши билан боғлиқ [1, 3].

Мусулмон ҳуқуқшунослари, яъни фақиҳлар ислом динининг ўзига хос хусусиятлари туфайли бу жараёнда асосий рол ўйнай бошладилар. Ислом динининг асосий ғояларидан бирига кўра, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда нозил қилган, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) суннатларида мужассамланган ва фикҳда, яъни мусулмон оиласи ва жамияти учун ҳаёт тамойиллари ва қоидалари акс этган фанлар мажмуида талқин қилинган муқаддас диний қонун асосида яшаши керак бўлган ягона дунё мавжуд [2, 177]. Ҳукмдорлар, яъни султонлар ва амирлар маълум муддатдан сўнг амалда Аллоҳнинг ердаги қудратини ифодалай бошладилар, шунинг учун фақатгина фақиҳлар, яъни муқаддас диний ҳуқуқ мутахассислари ҳукмдорлар ҳаракатларининг дин аҳкомларга мувофиқлигини баҳолай олишлари ва уларнинг номақбул қарорларини қоралай олишлари мумкин эди. Фақиҳлар ва бошқа дин олимлари жамланган йирик шаҳарлар давлат ҳаётида аста-секин катта рол ўйнай бошлади. Шу билан бирга, жамиятнинг муҳим кучини ташкил этувчи шаҳар аҳолиси давлат бошқаруви тизимида иштирок этишдан деярли маҳрум эдилар. Шунинг учун ҳам шаҳар аҳолиси табақалари айнан дин олимлари фаолиятида ўзларининг сиёсий куч-ғайратини, манфаатларини ҳимоя қилиш ёки ҳукмдорлар ва амалдорлар мустабидлигини чекловчи омилни кўрар эдилар [2, 185]. Ҳокимиятдан мустақил равишда фақиҳлар томонидан, маълум шартлар билан яратилган шариат шаҳарликларнинг мафкураси, ҳамда уларнинг ўрта аср ҳукмдорлари билан ўз

хуқуқлари учун пассив ва фаол курашида маънавий ва ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланган [3, 13].

Туркистон тарихида IX-XV асрларда содир бўлган кўплаб воқеаларда фақиҳларнинг, яъни маҳаллий аҳолининг норасмий етакчилари ва тафаккур ҳукмдорларининг ўрни анча катта бўлган. Улар томонидан ишлаб чиқилган фикҳ қоидалари ва уларнинг илмий баҳслари Туркистон жамияти тараққиётининг барқарор тенденциялари ва воқеликларига, аҳолининг айрим гуруҳ ва қатламларининг ҳаётий манфаатларига асосланган бўлган [1, 4].

Шуни таъкидлаш керакки, Туркистон ҳанафий олимлари яратган улкан илмий меросни ўрганиш, асосан, ҳануз уларнинг асарлари рўйхатини аниқлаш, муаллифларни текшириш ва нашрга тайёрлаш босқичида, яъни эвристик тадқиқот даражасидадир. Бу улкан илмий меросни ҳисобга олмасдан, минтақа илоҳиётшунослари мактаблари муҳитидан ажралган ҳолда ислом илмидаги умумий вазиятни қайта қуришга уринишлар бирёқлама натижаларга олиб келиши мумкин [1, 7].

Туркистонда турли мазҳаб ва оқимларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва ҳанафий таълим ва тарбиясига кўрсатилган кучли ва катта ёрдам бу мазҳабни “Мовароуннаҳр мазҳаби”га айлантирди. Ҳанафий мазҳабининг муқобилсиз юксалиши дастлаб давлатнинг сиёсий яхлитлиги нуқтаи назаридан ижобий натижалар берган бўлса-да, кейинчалик мазкур мазҳабни бошқараётган туркий ҳокимият сулоласи ҳокимиятига шерик бўладиган даражага келиши, табиийки, давлатнинг сиёсий яхлитлиги ва мустақиллигига таҳдид солувчи тузилмага айланишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, сулола ва ҳанафий олимлари ўртасида узоқ давом этган, сургун, қамоқ ва қатл ҳукмлари ўтказилган шиддатли курашлар натижасида ҳокимият салжуқийлар ҳукмронлиги остига ўтди. Ҳанафий олимлари ва уларнинг тарафдорлари эса Бухорода Ол-и Бурҳон раҳбарлигида мухтор тузилмага асос солдилар [4, 653-666].

Бухорода ханафий илмий анъаналарининг ўрнатилиши одатда мазҳаб вакиллариининг иккинчи авлоди Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирди – Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн аз-Забуркон ал-Ижлий ал-Бухорий (ваф. 217/832) номи билан боғланади. Кейинчалик “Абу Ҳафс ал-Кабир” лақаби билан улуғланган мазкур аллома Бухорода ханафийларнинг иймон ҳақидаги қарашларини ҳимоя қилган. Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий Бухоронинг шарқий дарвозаси – Дарб Самарқандда жойлашган қишлоқ аҳолисидан 70 нафар мажусийнинг ислом динини қабул қилишига ҳисса қўшган [1, 109]. Маълумки, Ҳайзахаза/Ҳайраҳара ҳудудидаги фақиҳлар жамоаси Абу Ҳафс ал-Бухорий оиласини қўллаб-қувватлаган [5, 166].

Абу Ҳафс ал-Кабирнинг фаолияти ва чуқур билими натижасида Бухоро жамоасида эришган нуфузи унинг ўғли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс ал-Бухорийнинг (ваф. 274/878) фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Абу Абдуллоҳ даврида Бухорода иккита муҳим воқеа содир бўлиб, бу воқеаларда у асосий рол ўйнаган. Биринчиси – эски ва янги олимлар гуруҳлари ўртасидаги кескин курашнинг якуний натижасига айланган буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил ал-Жуъфий ал-Бухорийнинг (вафоти 256/870) Бухородан ҳайдаб чиқарилиши (“ихрож”); иккинчиси – ҳокимиятнинг Аббосийлар ноиблари бўлган тоҳирийлардан (821-873) мустақил ҳукмдорлар сомонийлар (874-999) қўлига ўтиши [1, 110].

Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Бухорий 874 йилда Бухоро ҳарбийлар томонидан ташлаб кетилган пайтда Карминияга бориб, тинч аҳолининг асосий вакили сифатида шаҳарни сомонийларга топшириш шартларини муҳокама қилади [6, 75]. Бу воқеа лашкарбоши Рофеъ ибн Ҳарсама Бухоро томон ошиқаётган Ёқуб ибн Лайс қўшинларини қийинчилик билан ушлаб турган бир пайтда юз берди [7, 261]. Натижада, 874 йилнинг биринчи жума куни шу пайтгача ҳукмдор сифатида тилга олинган Ёқуб ибн Лайс ас-Саффор (867-879) ўрнига Наср ибн Аҳмад Сомоний (842-892) исми хутбага қўшиб ўқилди [1, 111].

Шиа олим қози Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр қаламига мансуб (тахминан 1070-1071 йилларда ёзилган) “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асарида Хитой элчисининг Бухорога ташрифи ҳақида ҳикоя қилинади. 939 йилда. Хитой элчиси аслида илгари Бухорода кофирликда айбланган ва шу сабабли Хитойга қочиб кетган одам эди. Унинг ўша пайтдаги фош этилишида фақиҳ ва амирнинг давлат ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчиси Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс ибн аз-Забуркон катта рол ўйнади. Демак, бу киши давлатда, шунга яраша Бухоро жамиятида катта мавқе ва таъсир кучига эга бўлган Абу Ҳафс оиласининг учинчи вакили, деб айтишимиз мумкин [1, 115].

Абу Ҳафс ас-Сағир даврида эса давлат ва жамоат мавқеини мустаҳкамлашда фақиҳлар бошчилигидаги кўнгиллилар отрядлари ва бухороликларнинг уюшган гуруҳлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларга сомонийлар даврида ёрдамчи армия вазифалари юкланган. Бу шаҳар аҳолиси орасидан отрядларнинг жамият ҳаётидаги ролининг кучайиши натижасида ҳанафий мазҳабидаги етакчи фақиҳларнинг шахсий мавқелари мустаҳкамланиб борганидан далолат беради. Улар аста-секин шаҳарларнинг нуфузли доиралари орасидан ўрин эгаллашди [1, 117].

Ҳанафий олимлар авлодининг кўзга кўринган кейинги вакили Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бухорий (ваф. 981) мухтасиб лавозимида фаолият олиб борган. ал-Муқаддасий фақиҳларнинг Шарқда подшоҳлар даражасида обрў ва таъсир кучига эга эканини қайд этган [8, 260]. Халифалик амалиётида одат бўлганидек, йирик шаҳарларнинг ҳар бир турар жойи учун битта фақиҳ тасдиқланган. Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бухорий Бухорода бир маҳалланинг фақиҳи бўлган бўлса, унинг замондоши Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Майдоний Майдон номли бошқа бир маҳалланинг фақиҳи бўлган. Самарқандда Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Қатвоний (ваф. 1091; Чокардизада дафн этилган) Тахуна маҳалласида яшаган, Сиккат Илож Бун маҳалласи муфтийси бўлган [9, 556].

О.Г.Большаков уюшган ғозий кўшинларининг қудратини ҳисобга олиб, бухороликларнинг сомонийларни қўллаб-қувватлашдан бош тортиши сулоланинг қулашида ҳалокатли рол ўйнаган, деб ҳисоблайди [3, 15-16]. Шу сабабли бўлса керак, бухороликлар вакиллари – фақиҳларнинг қорахонийлар сулоласининг илк ҳукмдорлари билан муносабатлари дастлаб яхши бўлган. Буни Бухоронинг собиқ мухтасиби Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бухорийнинг шогирди Абу Али ал-Ҳусайн ибн ал-Хизр ан-Насафий ал-Фашидайзожийнинг (ваф. 1033) қози этиб тайинланишида ҳам кўриш мумкин [10, 226-228].

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Нишопурлик ханафий фақиҳи Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайн ан-Насихийни (ваф. 1055) Бухоро Бош қозиси деб эълон қилиши, эҳтимол, унинг бутун сомонийлар мулкига эгалик қилиш даъвосини акс эттирган [5, 305-306].

Шаҳар аҳолиси ва ҳокимият ўртасидаги йиллар давомида тўпланиб қолган муносабатлардаги кескинлик охир-оқибат низога олиб келиши муқаррар эди. Иброҳим Тамғачхон фақиҳлар билан олдиндан келишувсиз янги солиқлар киритмагани айтилади. Кўриниб турибдики, қорахонийлар ҳукмдори маълум бир вақтгача шаҳар аҳолиси билан яхши муносабатда бўлишга муваффақ бўлган. Улар ўртасидаги биринчи низо шаҳарнинг пойтахт мақомини йўқотиши натижасида қийинчиликларни бошдан кечираётган Бухорода юз берди [1, 119].

Бир бухороликнинг ҳукмдор оиласига яқин бўлган бошқа бир кишидан катта миқдорда пул талаб қилиши ҳукмдорлар ва фақиҳлар ўртасидаги низонинг бошланишига расмий сабаб бўлди. Бош қози Абу-л-Ҳасан ас-Сўғдий (ваф. 1068) ҳукмдорнинг қариндошини қўллаб-қувватлаб қарор чиқарди. Бухоронинг барча маҳаллаларидаги фақиҳлар ўз сафларидан Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ал-Ҳалвойни (ваф. 1056, Кеш) раҳбар қилиб кўрсатдилар. Уларнинг барчаси ҳамжиҳатлик билан бухороликни Бош қозига қарши қўллаб-қувватладилар. Ал-Ҳалвой бошчилигидаги барча фақиҳлар судга ҳукмдорнинг хожиби саройига

чақирилдилар. Фақат ҳукмдорнинг аралашуви ишни қариндошининг фойдасига ҳал қилди [1, 120].

Шамс ул-аимма ал-Ҳалвойининг ҳукмдор доиралар билан иккинчи низоси навбатдаги Бош қози Анбаса билан содир бўлди. Илк қорахонийларнинг бу қозиси Бухоро қозиларининг шариат қозилари томонидан қарорлар қабул қилиш учун ёзма тавсиялар беришнинг узоқ йиллик ҳуқуқига қарши чиқди. Бу можаро натижасида бўлса керак, Шамс ул-аимма қорахонийларнинг катта гарнизони жойлашган Кешга сургунга жўнатилади. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвой сургунда вафот этди; унинг хоки, эҳтимол, бир йил ўтгач, (1058 йилда) Кешдан Бухорога олиб келинди ва ўз шаҳрига дафн этилди [1, 120].

1137 йилда Туркистонга келиб чиқиши мўғул бўлган мусулмон бўлмаган қорахитой қабилалари ҳужуми хавфи туғилди. Уларнинг 1141 йилда Қатвон даштидаги мусулмон турк қабилалари билан иттифоқда Султон Санжар устидан қозонилган ғалабаси Туркистоннинг геосиёсий аҳволини ўзгартирди. Қорахитойлар (киданлар ёки Ғарбий Лиано қабилалари) салжуқийлар таъсирини йўқотиб, қорахонийларни маҳаллий ҳукмдорлар ролида қолдирди. Улар қишлоқ хўжалигининг ички ишларига аралашмасдан, аҳолидан йиғилган ўлпон билан қаноатландилар.

Фақиҳларнинг ижтимоий таркибини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг кўпчилиги ўрта шаҳар табақасидан чиққанини ва шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида меҳнат қилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Шамс ул-аимма ал-Ҳалвойининг отаси ширинлик савдоси билан шуғулланган, саффорийларнинг аجدодлари эса мисгар бўлишган [11, 134, 176]. Шунингдек, фақиҳлар имомлик вазифаларини ҳам бажарганлар. Улар дастлаб бу вазифаларни бепул бажарганлар. X асрда Абдуллоҳ ибн ал-Фазл ал-Ҳайзаҳазий кўпчилик имомлар, муаззинлар ва муаллимлар ўз хизматлари учун ҳақ олишларини ёзади. Бухоро жомеъ масжиди вилоятнинг маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутган [11, 129].

Туркистоннинг иккита асосий шахри, яъни Бухоро ва Самарқанд ўз шаҳрида жой топа олмаган фақиҳлар учун бошпана бўлиб хизмат қилган. Шундай қилиб, Абу-л-Юср ал-Паздавий Самарқанддаги сиёсий фаолиятда муваффақиятсизликка учрагач, Бухорога кўчишга мажбур бўлади. Ўз навбатида, Бухорони тарк этган Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор, эҳтимол, садрларнинг босими остида Самарқандга кўчиб ўтади [11, 151, 199]. Ал-Кафавийнинг асари Бухорода фақиҳларнинг беш оилавий гуруҳи, Самарқандда эса камида учта гуруҳи борлигидан далолат беради. Улар ўртасида кучли рақобат ҳукм сурган. XII асрда Бухоро ва Самарқанд гуруҳларининг бирлашиши содир бўлди. Муслмон дунёсининг бошқа ҳанафий марказларида урф-одатларнинг босқичма-босқич тўхтатилиши Туркистон мактабини умумий ҳанафийлик миқёсида биринчи ўринга олиб чиқди [1, 155].

Шамс ул-аймма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий (1089 йилда Балхда вафот этган) Шамс ул-аймма ал-Ҳалвоийнинг кейинги авлоддаги етакчи шогирди ҳисобланган. Шамс ул-аймма ас-Сарахсий Бухоро ҳанафийларининг етакчиси сифатида қорахонийлар билан яхши муносабатда бўлмаган. Ж.Шахтнинг сўзларига кўра, унинг қамоққа олинишига “душманлар” билан ҳуқуқий мавзуда эмас, балки теологик мавзудаги тортишув сабаб бўлган бўлиши мумкин [12, 3]. Аммо Ўзганд қамоқхонасида ўз шогирдларига ёздирган “Нуқат зиёдат уз-зиёдат” асаридаги колофонда ҳукмдорни тўғри йўлга даъват қилиш Шамс ул-аймма ас-Сарахсийнинг қамоққа олиниши сабаби деб кўрсатилган [13, 137]. “Шарҳ ус-сияр ал-кабир” асарининг унвон саҳифасида қози Косоннинг ҳийла-найранглари туфайли зиндонга ташлангани қайд этилган [14, 1].

1209 йил март ойида Бухорода қорахонийлар томонидан қурилган Тимча-йи Хон мадрасасида асли дамовандлик Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ат-Тож ал-Ироқий, катта эҳтимол билан, Шамс ул-аймма ал-Қардарийнинг айтиб ёздириши остида “Китоб ул-Ҳидоя”ни кўчирган. Бу маълумотларга асосланиб,

тахмин қилиш мумкинки, хоразмшоҳ XIII аср бошларида Самарқандда ҳукмронлик қилган қорахонийлар мавқеини мустаҳкамлаш орқали Бухородаги садрлар таъсирини заифлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда улар асли хоразмлик Шамс ул-аймма ал-Қардарий шахсидан фойдаланган бўлсалар керак [1, 164].

Бухородаги садрлар гуруҳи (1102-1238) фаолияти тарихига оид нашрлар борлигига қарамай, унинг кўп жиҳатлари ҳануз ноаниқлигича қолмоқда. Бироқ, Бурҳон ал-аймма гуруҳининг асосчиси Абу Муҳаммад Абдулазиз Мозо (ваф. 1124) Султон Санжарнинг ўзи томонидан қўллаб-қувватлангани мутлақо аниқ, зеро у салжуқийларнинг бу қудратли ҳукмдорининг синглисига уйланган [9, 431].

Олимлар ҳамда диний илмларни ўрганаётган талабаларга ҳомийлик қилиш садрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш воситаларидан бири ҳисобланган. Масалан, тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган маълумот шуки, хоразмшоҳ Бухорони эгаллаган йили олти минг фақиҳни ўз маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаганликларини айтади. Балки, Бухоро аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қилган турли фуқаҳо гуруҳларини ўзида жамлашга муваффақ бўлган садрларнинг кучи ва қудрати айнан мана шудир [1, 174].

Садрлар худди шу йўналишда ҳаракат қилиб, Сиккат ад-деҳқон маҳалласида илоҳиётчилар учун алоҳида кутубхона (хизона ал-кутуб) қурдилар. Мазкур кутубхона садрлар сулоласининг дастлабки уч аъзоси – ота Бурҳониддин ал-Мозий, ўғли ас-Садр аш-Шаҳид ва ас-Садр ал-Саъид (ваф. 1156) исми билан танилган унинг укаси Тожиддин Аҳмад ибн Абдулазиз номи билан боғланади [15, 1а]. 1200 йилда Имодиддин Абу-л-Маҳамид Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абу-л-Ҳасан ал-Фарёбий (ваф. 1210) ушбу кутубхона учун “Китоб холисат ал-ҳақоик” асарини қаламга олди. Шу билан бирга, у “Садр судур ал-олам ва Бурҳон ал-милла ва-д-дин кутубхонаси”да сақланаётган 78 та манбадан фойдаланган. Бу, эҳтимол, Садр Умар ибн Масъуд (ваф. 1207) даврида содир бўлган. Китоб

муаллифи садрлар оиласига яқин киши бўлган: у Бухородаги уларнинг оилавий қабристонига (мақбара ас-судур) дафн этилган [16, 28].

Шаҳардаги садрлар ҳокимиятига биринчи бўлиб хоразмшоҳлар тажовуз қилдилар. Хоразмшоҳ кўшинлари Бухорони босиб олгач, Хоразмга олиб кетилган садр ўрнига хуросонлик фақиҳ Маждиддин Масъуд ибн Солиҳ ал-Фаровий (тахминан 1219 йилда ўлдирилган) хатиб этиб тайинланган [17, 63-64].

1238 йил мўғулларга қарши кўтарилган қўзғолон раҳбари Маҳмуд Торобий “садр” унвонини собиқ бурҳонийлар сулоласи (сулолаи хонадони бурҳоний) вакилидан тортиб олиб, янги гуруҳ асосчиси Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Маҳбубий (ваф. 1233)нинг ўғли Шамсиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубийга топширди. Шу тариқа Бухородаги садрлар сулоласи тугатилган. Бу фақиҳлар сулоласи вакилларининг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас [1, 175].

Садрларнинг Бухородаги фаолияти олимлар томонидан турлича баҳоланган. Мусулмон дунёсининг марказий ҳудудларида ёзилган асарларда уларнинг образи салбий ёритилган. Жумладан, Жалолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳошимий ал-Қунавийнинг (ваф. 1273) ёзишича, Садри жаҳон Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ас-Садр аш-Шаҳид Умар ал-Бухорий (ваф. 1221) мадрасадан ўз мулки (бўстон) томон кетаётиб, камбағал тиланчиларни сезмасликка ҳаракат қилган [5, 344]. Шунингдек, унинг ўғли билан ҳажга бўлган дабдабали сафари ва уларнинг 1207 йилда Бағдоддаги олимлар орқали ўз мамлакатининг кўплаб фуқаҳо ва хизматкорлари ҳамроҳлигида қайтиши ҳам салбий ёритилган [5, 233-234].

Катта обрўга эга фақиҳларнинг қарорлари аҳоли орасида жуда катта таъсир кучига эга бўлган. Наср ибн Иброҳим Тамғачхон (1068-1080) даврида Бухоронинг Искижкат қишлоғида бир бадавлат кишининг пулига жомеъ масжиди қурилган. Аммо бухоролик фақиҳларнинг кичик қишлоқларда жомеъ

масжидлари бўлмаслиги керак, деган фатвосига биноан у ерга одамлар келмай қўйдилар ва тез орада харобага айланди [6, 28].

Фақиҳлар дин кўрсатмаларига қатъий амал қилиш билан бир қаторда, халқнинг урф-одатлари, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олишга мажбур бўлганлар. Мужтаҳидга қўйиладиган талаблар қаторида ўзи яшаб, фаолият олиб борган халқнинг урф-одатларини билишни ҳам ўз ичига олган. Баъзида фақиҳлар диний қонун-қоидалардаги айрим бузилишларга чидашга, кўз юмишга ҳам мажбур бўлишган. Масалан, Бухорода ас-Саййид Абу Шужоъ куёш чиққанидан сўнг бомдод намозини ўқиш учун масжидга кириб келаётган одамларни кўриб, даҳшатга тушган. Чунки бундай амал ўша даврда бутпарастликдан сақланиш учун қаттиқ таъқиқланган бўлган. Шамс ул-аймма ал-Ҳалвойи уни қийинчилик билан тўхтатиб: “Агар ҳозир намоз ўқимасалар, кейинчалик умуман ўқимайдилар”, деди. Фақиҳларга одамларнинг яшаш шароитлари ўзгаришига қараб қарорларни ўзгартиришга рухсат берилган [11, 180].

Олди-сотди, пул ва мулк муносабатларига оид фатволар (96 фатво) асосий қисми ташкил этади. Савдо фаолиятининг айрим маҳаллий шакллари, масалан, Самарқандда кенг тарқалган кредитга савдо қилиш (байъ ал-вафо) узоқ давом этган мунозараларга сабаб бўлган. Ишга қабул қилиш ва бошқа турдаги меҳнат шартномалари масалалари ҳам кенг муҳокама қилинган (25 фатво). Ифтихориддин ал-Бухорий Туркистонда далаларга ўғит ташиш учун турли шароитлар яхши маълум бўлишига қарамай, Имом Муҳаммад аш-Шайбонийда бу масалалар бўйича алоҳида боб йўқлигини таъкидлаган [11, 160].

XII асрнинг биринчи ярмида суд ишларини юритишнинг процессуал масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди (73 фатво). ас-Садр аш-Шаҳиднинг Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ал-Ҳассаф (ваф. 875) асарига ёзган шарҳи “Шарҳ китоб адаб ал-қози” фақиҳлар орасида кенг тарқалди. 21 фатво диний арбобларнинг жамиятдаги мавқеига моддий асос бўлиб хизмат қилган вақф

масалаларига тааллуқлидир. Фақиҳлар оила ва никоҳ муносабатлари масалалари билан ҳам тез-тез шуғулланганлар. Қизиғи шундаки, улар никоҳ (15) эмас, балки ажралиш (39) билан боғлиқ кўпроқ муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўлишган [1, 196].

Ал-Кафавий маълумотлари кўриб чиқилаётган даврда фақиҳлар Туркистон ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида фаол иштирок этганларини кўрсатади. Минтақа сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли қирралари уларнинг қарорларида ўз аксини топган. XI-XII асрлардаги Туркистон ижтимоий ҳаётининг кўп қирраларини акс эттирувчи бу қарорлар Туркистон олимларининг “фиқҳ соҳалари”га оид кўплаб асарларига киритилган. Бу асарларнинг аксарияти кенг тарқалиб, Туркистон ва бошқа ўлкаларда қозилик амалиётида қўлланма сифатида фойдаланилган [1, 196].

Хулоса

Туркистон фиқҳ мактаби вакилларининг Яқин Шарқдаги таълим муассасаларига етакчи мударрислик лавозимларига таклиф этилиши ва у ерда муваффақиятли фаолият юритишлари ҳанафий фиқҳи мактабининг нуфузи ортганидан, Туркистон фақиҳларининг бир неча авлодлари томонидан тўпланган юксак илмий салоҳиятдан далолат беради [1, 210].

Туркистон ҳанафийлари ҳукмдорлар томонидан қўйилган вазифани муваффақиятли адо этиб, Яқин Шарқ мамлакатларида суннийлик мавқеини мустаҳкамлашда катта рол ўйнадилар. Маҳаллий шаҳар аҳолиси билан мустаҳкам алоқалар бўлмагани туфайли, улар ўз ҳомийлари қўлида итоаткор қуролга айландилар. Айти пайтда бу ҳудудда ҳанафийликнинг янги йўналишлари – Туркистон олимлари томонидан ишлаб чиқилган мотурид каломи ва ҳанафий фиқҳи модели кенг тарқалди. Қайд этиш жоизки, мўғуллардан олдинги даврда Бухоро ва Самарқанддан хижрат қилган фақиҳларнинг аксарияти бухоролик ёки самарқандлик эмас эдилар (аксинча

Балх, Ҳирот, Қашқар ва Косондан бўлганлар), лекин бу икки асосий шаҳарда таҳсил олган олимлар эдилар.

Ҳукмдорлар ва фақиҳлар ўртасидаги муносабатлар жамиятдаги кучлар мувозанатини ҳисобга олган ва кўпинча конструктив характерга эга бўлган, шунинг учун улар жуда камдан-кам ҳолларда зиддиятли бўлган ва томонлар ўзаро манфаатларни ҳисобга олишга ҳаракат қилганлар.

Хуллас, ҳанафий фақиҳлари бир-бирига рақиб диний гуруҳлар – аҳли ҳадислар, шофеъийлар, иккинчи томондан, зоҳидлар билан кескин кураш олиб бориб, фикҳ илми тараққиётининг классик даврида ғолиб чиқадилар. Бунда уларнинг шаҳар аҳолисининг кенг қатламлари билан мустаҳкам алоқалари, ҳаётий манфаатларини изчил ҳимоя қилиш муҳим рол ўйнади. Туркистондаги сиёсий беқарорлик шароитида фақиҳлар шаҳар аҳолисининг ёрдамига таянган ҳолда жамиятнинг қудратли сиёсий кучига айланди. Маҳаллий шароитга кўпроқ мослашган ва маҳаллий урф-одатларни рад этмаган ҳанафийлик руҳи ҳам худди шундай муҳим рол ўйнади. Хуросон шофеъийлари билан мафкуравий рақобат ҳанафийлар ижодининг гуллаб-яшнаши ва Туркистоннинг бутун ҳанафий оламининг фикрий марказига айланиши учун замин яратди. Шундай қилиб, шуни айтиш мумкинки, қорахонийлар даврида ҳанафий мазҳабининг асосий қоидалари янада такомиллаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муминов А.К. Ханафитский мазхаб в Центральной Азии / Редактор: С.М. Прозоров. Алматы: Қазақ энциклопедиясы. 2015.
2. Пиотровский М.Б. Светское и духовное в теории и практике средневекового ислама // Ислам. Религия, общество, государство. Москва. 1984. – С.177-190.
3. Большаков О.Г. Бухара времени Ибн Сины // Письменные памятники и проблемы культуры народов Востока. XV годичная научная сессия ЛО ИВ АН

СССР. Часть 3 (Доклады и сообщения о творчестве Ибн Сины). Москва. 1981. – С.6-23.

4. Ömer Soner Hunkan. Türk Hakanlığı (Karahanlılar)'nda Hanedan ve Bürokrat-Ulema Çatışması: ilk Bürokrat ulema ihtilali // XV. Türk Tarihi Kongresi. 2006, С. 3. Selçuklu Devleti ve Beylikler Dönemi. Ankara: TTK. 2010. S. 653-666.

5. Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо ал-Қураший. ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя. 1-жилд. Ҳайдаробод. 1332/1913.

6. Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. История Бухары / Перевод, комментарий и примечания Ш.С. Камалиддина. Археолого-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. Ташкент: SMIA-SIA. 2011.

7. Kutlu S. Türklerin İslamlaşma Sürecinde Mürcie ve Tesirleri. Ankara: TDV. 2000.

8. Descriptio Imperii Moslemici autore Al-Moqaddasi / Bibliotheca Geographorum Arabicorum / Edidit M.J. de Goeje. Pars tertia. Editio Secunda. Lugduni Batavorum. E.J. Brill. 1906.

9. Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Нашрга тайёрловчи: Юсуф ал-Ҳодий. Техрон: Ойина-и мерос. 1420/1999.

10. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. ал-Ансоб / Нашрга тайёрловчи: Абдурахмон ибн Яҳё ал-Муаллимий ал-Яманий. Ҳайдаробод: Матбаат мажлис доират ал-маориф ал-усмонийя. 10-жилд. 1962-1982.

11. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб аълам ал-ахйор мин фуқаҳо ан-Нўъмон ал-мухтор. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. № 2929.

12. Schacht J. Notes on Sarakhsi's Life and Works / 900. Ölüm Yıldönümü Münasebetiyle Büyük İslam Hukukçusu Şemsü'l-Eimme es-Serahsi Armağanı. Ankara: Ankara Üniversitesi Basımevi. 1965.

13. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий. Нуқат зиёдат уз-зиёдат. Сулаймония кутубхонаси. Жоруллоҳ фонди. Қўлёзма № 679/II.

14. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий. Шарҳ ус-сияр ал-кабир. Сулаймония кутубхонаси. Фотиҳ фонди. Қўлёзма № 1667.

15. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ал-Ҳорис ас-Субазмуний. Кашф ул-асрор фи маноқиб Абу Ҳанифа. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. № 3105.

16. Ahmed Sh. Mapping the World of a Scholar in Sixth/Twelfth Century Bukhara (!): Regional Tradition in Medieval Islamic Scholarship as Reflected in a Bibliography // Journal of the Oriental Society. Vol. 120. No. 1. 2000.

17. Шихаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насави. Сират Джалал ад-Дин Манкбурны (Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны) / Издание критического текста, перевод с арабского, предисловие, комментарий, примечания и указатели З.М. Буниятова. Москва. 1996.

РОЛЬ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ЖИЗНИ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНА

Аннотация: В средние века городские жители, которые были важной силой общества в регионе Туркестана, были практически лишены участия в системе государственного управления. Именно в этой ситуации особенно факихы, опираясь на поддержку горожан, стали мощной политической силой общества. В данной статье анализируется роль факихов и представителей интеллектуальной жизни в целом в общественно-политической жизни Туркестана.

Ключевые слова: Туркестан, факихы, ханафизм, общественная жизнь, садры.

THE ROLE OF REPRESENTATIVES OF INTELLECTUAL LIFE IN THE SOCIAL AND POLITICAL LIFE OF TURKESTAN

Abstract: In the Middle Ages, urban residents, who were an important force of society in the region of Turkestan, were almost deprived of participation in the state administration system. It was in this situation that especially the jurists, relying on the support of the townspeople, became a powerful political force of the society. This article analyzes the role of jurists and representatives of intellectual life in general in the social and political life of Turkestan.

Keywords: Turkestan, jurists, Hanafism, social life, Sadrs.